O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

● 2005-yil ● 7-iyun ● Seshanba ● 69 (27.404) ● uzbovozi@sarkor.uz ● 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Парламент фаолияти

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонунининг Тошкент шаҳри ва Навоий вилоятидаги ижросига оид масала кўриб чиқилди.

Мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган йиғилишда таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизда 570 та миллий аудиторлик ташкилоти ва халқаро аудиторлик компаниясининг 4 бўлими фаолият кўрсатмоқда.

Номлари зикр этилган шаҳар ва вилоятда қонун ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани алоҳида қайд этилди. Айни пайтда соҳада қатор камчиликлар ҳам учрамоқдаки, уларни ўз вақтида ҳал этиш зарур. Жумладан, аудиторлик ташкилотларида фаолият олиб бораётган аудиторларнинг қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларни билиши ва уларга риоя қилиш борасидаги кўникмалари, сифатсиз аудиторлик текширувини ўтказганлиги учун аудиторлик ташкилоти олдидаги жавобгарлиги билан боғлиқ масъулияти паст. Кўпчилик аудиторлик ташкилотларининг устав капитали юқори нархларда баҳоланган эски мебель, компьютер ва бошқа буюмлар билан шакллантирилган.

Аудиторлик ташкилотлари томонидан хўжалик субъектларининг молиявий ҳолатига оид берган хулосалари билан солиқ органларининг берган баҳоси ўртасида жиддий фарқ учрайди. Тошкент шаҳрида давлат солиқ органлари томонидан аудиторлик хулосаларидан кейин текширилган ташкилотлардан давлат бюджетига 164,6 миллион сўм, Навоий вилоятида эса 155,7 миллион сўм қўшимча солиқлар ҳамда молиявий жарималар ҳисоблаб чиқилгани бунинг далилидир. Булар аудиторлик текширувлар сифатини яхшилаш лозимлигини кўрсатади. Йиғилишда мавжуд камчиликларни бартараф этишга қаратилган қарор қабул қилинди.

(ЎзА)

ЎзХДП янгиликлари

ВЬЕТНАМ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

Жорий йилнинг 6 июнь куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган делегацияси Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ташриф буюрди. Бўлиб ўтган самимий суҳбат чоғида партия Марказий Кенгаши раиси Аслиддин Рустамов Ўзбекистон ХДП ва унинг фаолияти тўғрисида меҳмонларга ахборот берди. Делегация раҳбари ВСР ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Дао Вьет Чунг ўз юртидаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият, Вьетнам халқининг бунёдкорлик ишлари, Вьетнам Социалистик Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларнинг ривожи ҳақида сўзлади. Суҳбатда, шунингдек, мамлакатларимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга доир фикрлар билдирилди.

Суҳбатда ВСРнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Фам Зуй Шон, ВСР Ташқи ишлар вазирлиги Биринчи Европа департаменти директори ўринбосари Нгуен Нгон-Бинь, шу департамент эксперти Хо Ван Зунг, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосарлари Гулноза Сатторова ва Собиржон Усмонов иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ХДП САФЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Ёзёвон туманидаги 19-болалар боғчаси тумандаги энг намунали мактабгача тарбия муассасаларидан бири. Бу ерда 35 нафар тарбиячи ва ходимлар келажагимиз эгаларини ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар. Яқинда шу боғчада бошланғич партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари шу кунларда мамлакатимизда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирар эканлар, айни пайтда Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларнинг ташкилотчилари ва ижрочиларини қаттиқ қоралаб, бундай нохуш кўринишлар такрорланмаслиги учун қатъий чора-тадбирлар кўрилаётганлигини маъқулладилар.

— Мен 1992 йилдан буён Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзосиман, — деди йиғилишда сўзга чиққан боғча мудираси Ф.Сатторова. — Мамлакат сиёсий ҳаётида партиямиз эгаллаб турган мавқеини жуда яхши англайман. ХДП ўзининг сўллик позициясини сиёсий курашлардаги бош йўналиш деб эълон қилиб, ҳаммамизнинг дилимиздаги фикр, ғояларни ифодалади. Партиямиз биз каби халқ таълими ходимларининг ижтимоий мухофазасини кучайтириш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш учун қатор таклифлар билан чиқаётганлиги, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида, жойлардаги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги вакилларимиз орқали мамлакат ижтимоий-иқтисодий қудратини ошириш йўлида олиб бораётган ишлар ҳаммага маълум. Шу боис биз боғчамиз ходимлари ўзаро кенгашиб, ёппасига Халқ демократик партияси сафига ўтишга қарор қилдик.

Т.Отажонова, Ф.Охунова, А.Абдураззоқов ва бошқа боғча ходимлари ХДП сафига ўтишдан мақсадлари ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш, жонажон Ўзбекистонимиз тараққиёти йўлида қўлидан келган барча ишларни бажариш эканлигини баён қилдилар.

Шу куни 32 нафар боғча ходимига аъзолик билетлари тантанали равишда топширилди. Бошланғич партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгашининг раиси М.Исоқов қатнашди. У янги партия аъзоларини чин дилдан қутлаб, уларга ишларида катта муваффақиятлар тилади.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Экспорт — мамлакат таянчи



ЖАҲОН БОЗОРИГА ЙЎЛ

«Тошкент лок-бўёқ заводи» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси акциядорлик жамияти фаолияти ҳақида

Ҳозир пойтахтимиздаги қай бир хўжалик моллари дўконига кирманг «Тошкент лок-бўёқ заводи» тамғаси туширилган маҳсулотларга кўзингиз тушади. Ушбу лок-бўёқларнинг замонавий дизайнини кўриб, тўғриси ҳам фахрланасан, ҳам ҳайратланасан киши: **наҳотки, ушбу маҳсулотлар ўзимизнинг маҳаллий корхоналаримизда тайёрланмоқда?**

Ҳа, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида жойлашган «Тошкент лок-бўёқ заводи» Ўзбекистон — Бирлашган Араб Амирликлари қўшма корхонаси акциядорлик жамиятида айни дамларда хорижникидан асло қолишмайдиган маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Шу ўринда бир гап. Ўзининг илк фаолиятини 1947 йилда Тошкент гугурт фабрикаси ўрнида бошлаган бу корхона муайян даражада шаклланиб, мустақиллик йилларида катта ўзгаришлар томон юз тутди. Замонавий технологик ускуналар ўрнатилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг тури ва сифати ошди.

2004 йилда 10 миллиард 565 миллион сўмлик лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бунинг 1 миллион 113 минг АҚШ долларидан зиёдроқ қисми Россия, Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилина бошланди. Жорий йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида ҳам бу ерда 7405 тонна миқдорида маҳсулот тайёрланиб, 4 миллиард 732 миллион сўмлик лок-бўёқлар ишлаб чиқарилди. Тайёр маҳсулотнинг 542 минг АҚШ долларига тенг қисми хорижга жўнатилди.

— Акцияларимизнинг 51 фоизи Бирлашган Араб Амирликларидаги «Азиз-трейдинг» компанияси ҳиссаси ҳисобланади, — дейди **қўшма корхона бош директори Мирҳаёт Ҳакимов.** — 25 фоизи давлат улуши, 8,38 фоизи эса «Қалам» қўшма корхонасига тегишлидир. Қолган қисми ишчи-хизматчиларимиз ҳиссасига тўғри келади. Айни дамларда қўшма корхонамизда 100 турдан зиёд лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 2002 йилда корхонамизнинг истеъмолчилар ва буюртмачилар олдидаги дебитор ва кредиторлик қарзлари миқдори 4 миллиард 700 миллион сўмни ташкил қилар, корхона батамом банкротлик ҳолатига тушиб қолганди. **Нима қилиш керак?** Технологик жараёнларни ривожлантириш мақсадида шу йили Германиянинг «Тингс» компаниясидан лизинг асосида 750 минг АҚШ доллари қийматидаги дастгоҳ ва ускуналар сотиб олинди. Корхонада бу янгиликни жорий қилиш ҳисобига маҳсулот ҳажми ва сифати ошди. Агар 2003 йилда корхонада 13 минг 500 тонна миқдорида лок-бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 2004 йилда бу миқдор 17 минг 501 тоннани ташкил қилди. Жорий йилда эса бу рақам 21 минг тоннага етиши мўлжалланмоқда.

Ҳа, айтганча яна бир янгилик: корхонада юк ва енгил автомобиллар учун мўлжалланган тормоз суюқлиги ҳамда пол, томёпқичлар ва бошқа қурилиш эҳтиёжлари учун ишлатиладиган темир кукунли пигментлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бундай янгиликлар ҳисобига, қўшма корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жорий йилда 13 миллиард сўмдан ошиши кутилмоқда.

Нима бўлганда ҳам бундай қўшма корхоналар истиқлолимиз меваси. Энг муҳими, бундай бунёдкорликлар халқимиз фаровонлигини таъминлайди.

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Суратларда: қўшма корхона фаолиятидан лавҳалар.

Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Тошкент» телеканали, «Ўзбекистон овози» газетаси ва Тошкент шаҳар Уй-жой мулкдорлари ширкатлари Ассоциацияси, Тошкент шаҳри жамоатчилиги иштирокида

«МЕНИНГ УЙИМ, МЕНИНГ ШАҲРИМ»

кўрик-танловини эълон қилади.

КЎРИК-ТАНЛОВНИНГ МАҚСАДИ

Сўнгги йилларда пойтахтимизнинг чирой очиши ва гуллаб-яшнашида, равнақ топишида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Равон кўчалар, муаззам бинолар, маҳобатли кўприклар, хиёбонлар, боғлар барпо қилинди. Буларнинг барчаси бир томондан шаҳримизнинг келажакдаги истиқболини белгилашга, баъзи бир экологик муаммоларни бартараф этишга имкон яратди.

Шунингдек, пойтахтимизда бир қатор ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжуд. Кўп қаватли уйларни бошқариш, уларнинг санитария аҳволини талаб даражасига келтириш, уй атрофидаги ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда мутасаддилар тегишли ташкилот ва бир қатор ҳомийлар иштирокида кўп қаватли уйларнинг кириш йўлаклари, томлари ва лифтларини таъмирлаш, уйлар атрофидаги ерларни ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Эндиги масала мана шу таъмирланган уйларни талаб даражасида сақлаб қолишдир. Бунда кенг жамоатчилик, айниқса, ёшларнинг фаоллигини ошириш зарур. Шунингдек, уларда мулкка эгалик туйғусини шакллантириш, масъулиятини ошириш зарур. Кўрик-танлов ўтказилишининг асосий мақсади ушбу масалаларда кенг жамоатчиликнинг иштирокини таъминлаш, илғор тажрибаларни республикамиз бўйлаб тарқатишдир.

3-бет

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

Тошкент Врачлар малакасини ошириш институтида «Қон инсонлар хизматида» халқаро хайрия жамғармаси таъсисчиларининг йиғилиши бўлди.

Унда Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова беғараз қон бериш — донорлик фаолиятини кенгайтириш лозимлиги тўғрисида маъруза қилди.

ДОНОРЛИК ФАОЛИЯТИ ЯХШИЛАНАДИ

Маълумки, ривожланган мамлакатларда ҳар бир минг киши ҳисобига донорлик АҚШда — 109,9, Данияда — 52,3, Россияда — 25,3, Эронда — 21,2, Мисрда — 11,5 киши тўғри келади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич бор-йўғи 7,2 кишини ташкил этади, холос. Айниқса, ҳар томонлама бақувват ва соғлом 25 ёшгача бўлган донорлар бошқа давлатларда 40 фоиз, бизда эса 7 фоизлиги бу борада ёшлар ўртасида тарғиботни кучайтириш лозимлигини кўрсатади.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Гематология ва қон қуйиш институти директори К.Бакирхонов 2003 йилда беғараз донорлар 176632 киши бўлгани, 2004 йилда эса бу рақам 183246 кишига ўсганини таъкидлади. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг донорлик фаолиятини алоҳида таъкидлаш зарур. Аҳоли орасида инсонпарварликнинг ёркин кўриниши — донорлик фаолиятини кучайтириш ва тарғиб этишда ОАВларнинг ўрни беқиёслиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Анжуман давомида «Қон инсонлар хизматида» халқаро хайрия жамғармасининг ҳомийлик кенгаши таркиби, Низоми, эмблемаси, Тафтиш ҳайъати таркиби аъзолари тасдиқланди.

Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Светлана Иномова «Қон инсонлар хизматида» жамғармасининг ҳомийлик кенгаши раиси этиб сайланди.

Эл саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида ташкил этилган бу янги жамғарманинг келажаги кўп жиҳатдан кўнгилли донорларнинг фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири

АНДИЖОН ШИФОХОНАЛАРИГА ЗАМОНАВИЙ АВТОМОБИЛЛАР

Андижонда содир этилган мудҳиш воқеалар шифокорларни жиддий синовдан ўтказди. Тиббиёт ходимлари зарур пайтда ҳаётларини хавф остида қолдириб, ёрдамга отландилар. Врач Одилжон Аҳмедов, тиббиёт ходими Орифбек Рустамов, ҳайдовчи Иброҳимжон Мансуровлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишга бораётган пайтда ҳалок бўлдилар.

Бугун андижонлик тиббиёт ходимларини ҳар жабҳада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари кўриляпти. Қўшни Фарғона ва Наманган вилоятлари тиббиёт жамоалари вакиллари ҳам ҳамкасбларига қийин пайтда елкадош бўлдилар.

Яқинда соғлиқни сақлаш вазири Феруз Назиров энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган учта реомобиль ҳамда иккита «Дамас» автомобилини вилоят тиббиёт муассасаларига топширди. Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон вилоят филиали директори Эркин Жумабоевнинг айтишича, мазкур техникалар тиббиёт ходимларининг аҳолига тезкор ёрдам кўрсатишларида жуда асқотади.

Аҳмадилло СОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ЎНТА БЎЛСА ЎРНИ БОШҚА

Сирдарё вилоятида бир йил ичида ўнта қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди

— Бугунги кунда вилоятимизда 140 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатяпти, — дейди соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Аъзам Ибодуллаев. — Улардан 94 таси янги лойиҳа асосида, замонавий услубда қурилган.

Яқинда вилоятда «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида барча қулайликларга эга яна ўнта ҚВП фойдаланишга топширилди. Энди Боёвут, Сирдарё, Гулистон, Ховос, Оқолтин туманларида истиқомат қилаётган 22400 дан зиёд аҳоли шаҳар ёки туман марказларига қатнамасдан, бевосита шу ернинг ўзида дастлабки малакали тиббий ёрдамни олишади.

Айни кунларда яна учта қишлоқда замонавий врачлик пункти қурилиши давом этяпти. Боёвут туманидаги Усмон Юсупов номли, Оқолтин туманидаги «Фарғона», Ховос туманидаги Амир Темур номли хўжаликларда қад ростлаётган ушбу саломатлик масканларини мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллиги арафасида ишга тушириш режалаштирилган.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

ЯНГИ ЦЕХ ИШ БОШЛАДИ

Деновдаги темир-механика заводи ўтган йил бошида иқтисодий ночор аҳволга тушиб қолгач, масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Кўп ўтмай ўнглана бошлади ва цехларда иш яна жонланди.

— Яқинда 10 минг АҚШ доллари эвазига металл эритиш цехини ҳам ишга туширдик, — дейди жамият раиси Тошпўлат Мирзаев. — У бир кеча кундузда 1 тоннадан ортиқ металл эритиш қувватига эга. Энди 20 турдан ортиқ маҳсулот ўзимизда ишлаб чиқарилади. Бунинг эвазига ой сайин 85-90 миллион сўм даромад оламиз...

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 7 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	839,00	1 Польша злотийси	330,43
1 Англия фунт стерлинги	2009,97	1 СДР	1629,67
1 Дания кронаси	182,28	1 Туркия лираси	810,73
1 БАА дирхами	301,10	1 Швейцария франки	884,96
1 АҚШ доллари	1105,84	1 ЕВРО	1355,87
1 Миср фунти	190,99	10 Жанубий Корея вони	10,97
1 Исландия кронаси	16,87	10 Япония иенаси	102,85
1 Канада доллари	886,23	1 Россия рубли	38,97
1 Хитой юани	133,61	1 Украина гривнаси	218,76
1 Малайзия рингити	291,05		

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП ҳаётидан

АСОСИЙ ТАМОЙИЛ: КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҲАМДА НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ БОШҚАРУВИ ҲАМКОРЛИГИДА «НОГИРОНЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯЛАШГА ОИД ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДА СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аҳолининг кам таъминланган қатлами, ногиронлар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотган оилалар, пенсионерлар ижтимоий муҳофазаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилидан бири ҳам кучли ижтимоий ҳимоядир. Аҳоли ижтимоий муҳофазаси бу — мамлакатимизда олиб борилаётган кўп қиррали устувор йўналишнинг асосини ташкил этиб, халқимизнинг тўлақонли ҳаёт кечириши ва фаолият кўрсатишига қаратилган. Республикамиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида шундай деган эди: ***«...2004 йилни диёримизда «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилган эдик.***

Бундан кўзланган асосий мақсад — юртимизда инсон манфаатларини таъминлаш, меҳр-оқибат ва ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, айниқса ногиронлар, ёлғиз кексалар ва кам таъминланган оилаларнинг, умуман, кўмак ва ёрдамга муҳтож ҳеч бир инсоннинг давлат ва жамият эътиборидан четда қолмаслигига эришишдан иборат». *Меҳр ва мурувват йилида мамлакатимизда бу борада бир қанча хайрли ишлар амалга оширилди. Бу амалларнинг рўёбга чиқишида мамлакатимиздаги барча сиёсий кучлар, жумладан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.*

ЎзХДПнинг Сайловолди Платформасида меҳнат аҳли, пенсионер ва ногиронлар манфаатларини ифодаловчи ва ҳимоя этувчи мамлакатдаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти эканлиги таъкидланди. Бу кенг эътироф этилди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида ***«...Халқ демократик партиясининг сайловлар арафасида аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ҳақидаги дастурий чиқишлари унинг ижобий натижаларга эришишида муҳим аҳамиятга эга бўлди»*** *деган эдилар.*

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти бошқаруви ҳамкорликда ўтказган ***«Ногиронларни ижтимоий ҳимоялашга оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини такомиллаштириш масалалари»*** *мавзуидаги семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, партия ва ногиронлар жамияти фаоллари, мутасаддилар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

Баҳс-мунозараларга бой бўлган анжуман давомида бир қатор қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Аслиддин РУСТАМОВ, ЎзХДП МК раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ХДП фракцияси раҳбари:

— Биз ўтган йилнинг охирида партиянинг IV қурултойида ишчи-меҳнаткашлар, ногиронлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга кўмак беришни, уларнинг муаммоларини кўтариб чиқишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эдик. Шунга кўра, Сайловолди Платформамизни ҳам шу йўналишда белгилаб олгандик. Ундаги ижтимоий масалалар бўлимининг бир қисми ногиронлар муаммоларига бағишланган. Ушбу ҳужжатда Ўзбекистон Халқ демократик партияси чекланган иш қобилиятига эга ногиронлар, меҳнат бозорида тенг рақобатлаша олмайдиган шахсларнинг иш билан бандлигини қонунчилик даражасида, ишончли тарзда кафолатлашни таъминлаш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Шундан келиб чиқиб, партиямиз ўзининг ижтимоий ҳамкори Ўзбекистон Ногиронлар жамияти билан биргаликда ногиронлар манфаатларини ҳимоялаш, уларни ташвишлантираётган муаммоларга бағишланган қатор давра суҳбатлари ўтказди. Ўтган сайловларда биз Ногиронлар жамиятининг ўттиздан ортиқ вакилларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига номзод этиб кўрсатдик ва улар билан сайловларда яхши ҳамкорлик қилдик. Партиямиз Ногиронлар жамияти билан қўшма қарор қабул қилган. Шунингдек, ижтимоий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузганмиз. Унга кўра сизларни қийнаётган муаммоларни биз маҳаллий Кенгашларда, парламентда кўтариб чиқиб, керакли дастурлар ишлаб чиқишни, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритишни ўз зиммамизга олганмиз.

Маълумки, 1991 йилда қабул қилинган «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ўз даврида анча долзарб эди. Унга ногиронларнинг ҳаётини яхшилаш, уларга кўплаб имтиёзлар бериш тўғрисидаги таклифлар киритилганди. Аммо вақт ўтмоқда, жамиятимиз ўзгармоқда... Мана шу жараёнлар фракциямиз томонидан ҳисобга олиниб, ушбу Қонунни бугунги кунга мослаштириш ва уни янада такомиллаштириш керак, деган фикрга келдик. Ушбу семинарни ташкил этишдан мақсад ҳам таклиф-мулоҳазаларни тинглаш, уларни Қонунчилик палатасига олиб чиқишдир.

Яқинда партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси қўшма қарор қабул қилди. Унга кўра, бир неча гуруҳлар тузилди. Ана шулардан бири ногиронларга оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва депутатларнинг қонун ташаббускорлиги тартибида Қонунчилик палатаси мажлисига киритиб, унинг амалга ошишига эришишдир.

Ойбек ИСОҚОВ, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси:

— Ҳаётимизда муҳим роль ўйнаган ногиронларга тааллуқли мавжуд қонунчилигимизга тегишли ўзгартишлар киритиш ҳамда уни бугунги воқеликка мослаштириш долзарб масалалардан бири. Анжуман якунида бу ерда билдирилган фикрлар умумлаштирилиб, ўрганилади ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракция томонидан парламентга олиб чиқилишига ишонамиз.

Бугунги кунда Ўзбекистон Ногиронлар жамиятининг 110 мингдан кўпроқ аъзоси бор. Жамиятимиз 1991 йилда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан ташкил этилган бўлиб, республикамиз бўйича унинг 114 та филиаллари фаолият кўрсатади. Жамиятнинг асосий мақсадларидан бири ногиронларнинг ижтимоий муаммоларини ечишда уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда ногиронлар ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ масалаларда давлат органлари билан иш олиб боришдир. Лекин охирги йилларда Ногиронлар жамиятимиз бир қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Масалан, олий ўқув юртларида ва коллежларда ўқиётган кўпчилик ногирон талабалар шартнома пулини тўлолмасдан ўқишни ташлашга мажбур бўлмоқда. Уларга ҳомийлик ёрдами кўрсатаётган корхона ва ташкилотлардан эса солиқ идоралари қўшимча солиқ ундирмоқда...

Биз шуни таклиф қиламизки, ногиронларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳомийлик маблағлари солиқларга тортилмасин. Шу ўринда яна бир гап. Бугунги кунда жамиятимизнинг туман, шаҳар бўлимлари қошида шуъба корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Аммо айрим туманларда ҳеч қандай ишлаб чиқариш субъектлари бўлмаганлиги сабабли ўша жойларда ички имкониятлардан келиб чиқиб, ёрдамчи хўжаликлар ташкил этилишига эришишимиз зарур.

Мамлакатимиз фуқароларини нафақа билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ болаликдан ногиронларга 18 ёшга қадар ижтимоий ёрдам пули тўланиши, 18 ёшдан кейин эса ногиронлик нафақаси тўланиши лозим. Лекин шу нафақани олиш учун, қонун бўйича у бир йил иш стажга эга бўлиши лозим. Савол туғилади, агар ногирон меҳнатга лаёқатсиз бўлса, ҳаракатлана олмаса, у нима қилиши керак? Ушбу қонун талаби Конституциянинг 39-моддасига, яъни ҳар бир шахс агарда у меҳнатга лаёқатсиз бўлса, ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга, деган қоидасига зид эмасми? Шу ўринда яна бир мулоҳаза: айрим ногиронлар гувоҳномасига «ишга нолойиқ» деб ёзилган. Мен бунга мутлақо қаршиман. Чунки ҳар бир ногирон ишлаш қобилиятига эга, ўзига яраша фойдали меҳнатга жалб қилиниши мумкин. Масалан, кимдир қўл меҳнатини бажарса, кимдир ўтириб ақлий фаолият юритади...

Яна бир масала, республикамизда ногиронларни ҳайдовчиликка ўқитадиган муассасалар йўқ. Ногиронлар автомобиль ҳайдашни ўрганишга, ҳайдовчилик гувоҳномасини олишга қийналишади. Транспорт воситаси эса уларга сув ва ҳаводек зарур. Охирги 15 йил давомида республикамизга қўлда бошқариладиган автомобиль умуман олиб келинмаяпти. Бу ҳам бизни қийнаётган муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўйлайманки, бугунги семинар бўйича таҳлил комиссиямиз барча таклифларни умумлаштириб, муҳокама қилиб Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясига етказади. Шуни аниқ биламизки, мазкур фракция бизнинг манфаатларимизни ҳимоя қилади ва янги таҳрирдаги қонунда таклифларимиз инобатга олинади.

Фарҳод АБДУРАҲМОНОВ, Тошкент шаҳар «Нур» ногирон тадбиркорлар уюшмаси раиси:

— Уюшмамиз 1996 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади болаликдан ногиронларга билим олишларида кўмаклашиш, касб-ҳунар ўргатиш ҳамда уларни иш билан таъминлашдан иборатдир. Уюшма нафақат Тошкент шаҳри, балки вилоятларда истиқомат қилаётган ногирон болаларни ҳам қамраб олади. Бугунги кунда ўттиз нафарга яқин ўғил-қиз таълим олишига амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Шундан саккизтаси олий ўқув юртларида, қолганлари эса касб-ҳунар коллежларида таҳсил олмоқда. Бундан ташқари Навоий, Урганч шаҳарларида ҳам филиалларимиз бўлиб, уларда ҳам ногиронларни ўқитиш, иш билан таъминлашни йўлга қўйганмиз.

Уюшмамиз қошида шуъба корхоналари мавжуд, улардан тушган маблағ ногиронларнинг шартнома асосида таълим олишига ҳамда улар учун янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган. Ўтган йилнинг ўзида шартнома асосида ўқиётган ногиронларга 5 миллион сўм маблағ ажратилди. Таълим олаётган ногиронларни ўқишни тугатганларидан сўнг эса, мутахассислигига қараб иш билан ҳам таъминлаймиз. Ўтган тўққиз йил мобайнида уюшмамиз 25 нафар ногиронни олий ўқув юртларида, 150 нафар ёшнинг коллежларда ўқишига кўмак берди.

Бу рақамлар янада юқори бўлиши мумкин эди. Аммо мавжуд муаммолар бунга йўл бермаяпти. Масалан, биз корхонани жонлантириш ва қўшимча ишлаб чиқариш субъектлари ташкил этишда имтиёзлардан фойдалана олмаяпмиз. Янги бир фирма очмоқчи бўлсак низом жамғармасининг катталиги қийинчилик туғдирмоқда. Биз шуни таклиф қилардикки, ногиронлар корхоналари учун четдан хомашё олиб киришда бизга енгилликлар берилса.

Шу ўринда 1991 йилда қабул қилинган «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳақида айрим фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Ушбу ҳужжатнинг 32-моддасига кўра, ногиронларга транспорт хизмати кўрсатиш бепул ёки имтиёзли равишда олиб борилади. Афсуски, ушбу Қонун айрим тоифадаги ногиронларгагина қўлланилади, холос. Қолган тоифадаги, яъни болаликдан ногиронлар, бахтсиз ҳодиса оқибатида ногирон бўлган ва бошқа ногиронлар шаҳар жамоат транспортидан фойдаланиш учун ойлик йўл чипталари сотиб олишга мажбурлар.

Болаликдан I ва II гуруҳ ногиронларига коммунал хизматлар тўловини тўлашда ҳам имтиёз қўллаш бўйича қонунчиликка зарур ўзгартиришлар киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Мазкур имкониятдан фойдаланиб, яна бир таклифимни айтиб ўтмоқчи эдим. Ўзгартиш киритилаётган янги қонуннинг биринчи бандига тегишли атамаларнинг изоҳи берилиши керак.

Жамолиддин НАЖМИДДИНОВ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ногиронларни реабилитация қилиш сектори мудири:

— Бугунги семинарда ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасини такомиллаштиришдаги йўналишлардан бири бу — ногиронларга тиббий ижтимоий экспертиза, тиббий ижтимоий реабилитация хизматларининг кўрсатилиши, уларни таянч ҳаракатизими реабилитация воситалари билан таъминлаш ва ногиронларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган масалалар кўриб чиқилди.

«Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ногиронлар протез-ортопедия маҳсулотлари, реабилитация техник воситалари (ногиронлар аравачаси, эшитиш мосламаси, ҳасса ва қўлтиқтаёқ) билан бепул таъминланадилар.

1995 йилда «1996 — 2000 йилларда ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ҳимоялаш» Давлат дастури қабул қилинди.

Бу йўналишда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда, хусусан, илғор чет эл технологиялари асосида, маҳаллий хомашёлардан протез-ортопедия маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун вазирлигимиз тизимида «Ортопедия реабилитацияси» илмий ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилди. Ногиронларга қулайлик яратиш мақсадида 12 та вилоятда ушбу корхона филиаллари фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда республикамизда МДҲ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб реабилитация тизими яратилди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида ногирларнинг тиббий-ижтимоий реабилитацияси бўйича марказлар ташкил этилиб, уларда ногиронларнинг тиббий, ижтимоий, касбий реабилитацияси амалга оширилмоқда.

Анвар ШУКУРОВ, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутати:

— Ҳозир муҳим бир муаммо кўтарилди, мен шунга изоҳ бериб ўтмоқчи эдим. Масалан, ногирон болаларнинг шартнома асосида таълим олиши. Бунда улар албатта ҳомийлик ёрдамига суянишади. Баъзи бир иқтисодий имконияти бор корхона ва ташкилотлар ҳеч оғринмай шартнома пулини тўлаб бераяпти. Аммо гувоҳи бўлаяпмизки, кейин уларга келган текширувчилар даромадни яширяпсан, деб раҳбарларни жиноий жавобгарликка тортишмоқда.

Бундай бўлгандан кейин ҳеч бир корхона ёки ташкилот ҳомийлик ёрдамини кўрсатолмаяпти, шунинг учун ҳам бу борада бирмунча муаммолар юзага келмоқда.

Биз шу таклифни киритмоқчимизки, ногиронларга ҳомийлик қилган корхонанинг шартномага тўлаган пули солиқ балансидан чиқарилса ва яна унга қўшимча имтиёзлар берилса. Шу ўринда яна бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Корхоналар ногиронларни ишга олишда аттестациядан ўтказгани учун давлатга энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида пул тўлашар экан. Шунинг учун улар ногиронларни ишга олишга қизиқмайди. Биз мана шу нарсани ҳам ўзгартиришни таклиф қиламиз. Ва яна ногиронлар ўзларига тегишли бўлган тендер савдоларида иштирок этиши керак. Масалан, улар учун протезлар, аравачалар ясашда, ҳатто бинолар қурилиши лойиҳасида қатнашишлари лозим, чунки улар ўзларига мос ва қулай бўлган таклиф-мулоҳазаларини билдиради.

Йўлдош ЁҚУБЖОНОВ, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Зангиота туман бўлими раиси:

— Кўп йиллар ўқитувчилик қилганман. Тақдир тақозоси билан 1990 йилда ногирон бўлиб қолдим. Уч йил уйдан чиқолмадим. Соғайганимдан сўнг яна ишни бошлаб юбордим. 1995 йилда жамият қошида имтиёзга эга бўлган корхона очганман. Шу ўринда бир неча таклиф айтмоқчиман. Мавжуд Қонуннинг 36-моддасида ногиронларни 50 фоизлик ижтимоий ҳимоялаш имтиёзи бор эди. Ҳозирда бу имтиёз ўз кучини йўқотган. Мен мана шу бандни қайта кучга киритишни сўрайман. Бундан ташқари, ногиронларнинг шуъба корхоналарида электр энергия, коммунал тўловларда имтиёзлар олиб ташланган. Ушбу корхоналар солиқларнинг йилдан-йилга оширилиши туфайли иқтисодий қийинчиликка бардош беролмай ёпилиб кетмоқда. Аслида улардан имтиёзларни олиб қўймасдан, қўшимча ёрдам бериш керак.

Яна шу Қонуннинг 32-моддасида кўрсатилган ногиронларни 50 фоизлик дори-дармон воситалари билан таъминлаш ҳам бугунги кунда катта муаммога айланди. Улар керакли дори-дармонни ололмай қийналишмоқда. Бугун ногиронлар корхоналарини ташкил этиш, уларнинг фаолиятига кўмак бериш борасида амалий қадам қўйиш фурсати етди. Масалан, сифатли, замонавий маҳсулот ишлаб чиқариш учун янги ускуналар керак. Уларни четдан олиб киришда божхона тўлови анча қимматга тушади...

Умида ФАЙЗИЕВА, «Логопед-сервис» ўқув маркази раҳбари:

— Мен ўз йўналишимдан келиб чиқиб бугунги кунда ногиронлар қандай муаммоларга дуч келаётгани ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Биринчи навбатда биз ногиронларнинг билим олишини яхши йўлга қўйишимиз керак. Давлат томонидан ногиронларни ўқитиш учун катта маблағ ажратилаяпти. Лекин айрим жойларда ўқитиш номигагина бўлиб, ўқитувчилар фақат журнал тўлдириш билан кифояланиб қолмоқдалар. Бу ўринда жамоатчилик назоратини кучайтириш лозим, деб ҳисоблайман. Шунингдек, ногиронлар учун масофадан туриб ўқитишни ташкил этиш керак. Таълим олишда давлат томонидан махсус дарсликлар, илмий-бадиий адабиётлар, ногиронлар учун махсус аудио-видео кассеталар, дискетлар, брайерлар яратиш ҳамда телевидениеда «Ахборот» кўрсатувларида сурдо таржималарини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, олий ўқув юртларига ўқишга кирувчи ногиронларга тест синовларида қўшимча имтиёзлар берилса. Ва яна бир таклифим, реабилитация марказларини жаҳон стандартларига мослаштиришимиз керак. Шу асосда тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитация турларини такомиллаштириш, ногиронларнинг якка тартибдаги реабилитация дастурларини молиялаштиришни ташкил қилиш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади.

Фазлиддин ТИЛОВОЛДИЕВ, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Қўқон шаҳар бўлими раиси:

— Ўн тўрт йилдан буён Ногиронлар жамиятида ишлаяпман. Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда ногиронлар, ижтимоий кўмакка муҳтож кишиларга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. 1991 йилда «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун, 1995 йилда эса беш йилга мўлжалланган Давлат дастури ишлаб чиқилди. Уни амалга ошириш учун давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ ажратилди. Аммо улардан тўлиқ фойдалана олмадик, чунки қарорлар ўша даврдаги айрим амалдорларнинг қўлидан ўтаётиб, бизга берилаётган қўшимча имтиёз йўқолди, транспортлар берилмади, ҳатто хорижда ўқишга таклиф қилинган ногиронлар ўзимизда ҳам ўқиёлмай қолди. Ана шу ҳужжатларда коммунал тўловлар ва бошқа хизматлар учун ҳам имтиёзлар кўрсатилган эди. Аммо назоратнинг сустлиги, қонун ижроси учун айримларнинг лоқайдлиги сабабли вақт ўтиши билан баъзи ишлар бажарилмади, имтиёзлардан фойдаланолмадик. Бугунги кунда уларнинг кўпи бекор бўлиб кетди. Биз фақат бюджет маблағларига қараб турамиз. Ундан унумли фойдаланишимиз керак. Биз бугун таклифимизни берайлик, депутатларимиз парламентга олиб чиқсин. Уларнинг маъқулини, бугунги кунимизга мосини қонунчиликка киритсин. Аммо шуни ҳам эътиборга олиш керакки, қонун бир ёки икки йилга қабул қилинмайди, у камида ўн-ўн беш йилга хизмат қилиши керак. Ахир ҳар йили битта қонун яратмаймиз-ку, биздан кейинги авлод ҳам ундан фойдаланиши керак...

Бўлиб ўтган ушбу анжуман соҳадаги тўпланиб қолган муаммоларни кенгроқ муҳокама қилиш, саволларга батафсил жавоб топиш зарурлигини кўрсатди. Бунинг учун маълум бир дастур атрофида бирлашиб, мунтазам иш олиб бориш, ҳамжиҳатлик, ҳар бир муаммони ақл тарозусида ўлчаб Қонунчилик палатаси олдига қўйиш кераклигини вақтнинг ўзи тақозо этмоқда.

Баъзан соғлом одам ҳам ҳаёт ташвишлари олдида довдираб қолади. Жисмимиз соғ бўла туриб кимнингдир кўмагига, ёрдамига эҳтиёж сезамиз. Агар, мабодо, ногирон бўлсак-чи? Бу ерда масала жиддийлашади. Ногиронларга, қолаверса, улар тақдирига атрофдагилар, бутун жамият бефарқ қараши мумкин эмас. Улар меҳрга, муҳаббатга, эътиборга ҳамиша муҳтож кишилардирлар.. Бозор иқтисодиёти тамойилларига, соғлом рақобатга соғлом одамларгина бардош бера олади. Жисмида нуқсони борларнинг кўнгли ҳеч қачон ўксимаслиги, улар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканликларини ҳар дақиқа ҳис қилишлари, ижтимоий муҳофаза сиёсатига ишонишлари зарур.

Шу ўринда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти бошқаруви томонидан уюштирилган ушбу анжуман амалий аҳамият касб этади, деб ишонамиз.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: семинар ишидан лавҳалар
Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

(Давоми. Боши 1-бетда)

КЎРИК-ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

Кўрик-танловда Тошкент шаҳридаги барча уй-жой мулкдорлари ширкатлари иштирок этади.

Ғолиблар қуйидаги номинациялар бўйича аниқланадилар:

1. «ЭНГ НАМУНАЛИ ПОДЪЕЗД»

- подъездларнинг ташқи кўриниши;
- ёритгич мосламалар, кириш эшиклари ўрнатилганлиги;
- санитария-гигиеник ҳолатининг яхшилиги;
- қаватларга чиқиш зиналари ва зина тутқичлари ҳамда лифтларнинг таъмирланганлиги;

2. «ЭНГ НАМУНАЛИ КЎП ҚАВАТЛИ УЙ»

- тоза ичимлик суви, иссиқ ва совуқ сув ҳамда табиий газ билан таъминланганлиги;
- иссиқ ва совуқ сув, газ ва электр энергиясига ўлчагичлар ўрнатилганлиги;
- сув ва канализация тармоқларининг таъмирланганлиги;
- ертўлаларнинг ҳолати;
- лифт тармоғининг иши сифатли ташкил қилинганлиги;
- тўловларнинг ўз вақтида тўланиш даражаси;
- кўп қаватли уйда яшовчи аҳоли, айниқса ёшларнинг экологик ҳашарларга жалб қилиниши;
- аҳолининг экологик билимини ошириш, саломатликни қадрлаш борасида турли учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниши;
- кам таъминланган оилалар, ёлғиз қарияларни оталиққа олиш йўлга қўйилганлиги;
- ёшлар орасида турли спорт мусобақаларининг ўтказилиши.

3. «ЭНГ ОБОД ҲОВЛИ (МАЙДОН)»

- кўп қаватли уй ҳудудида болалар майдончаларининг ташкил қилинганлиги;
- майдонга турли мевали ва манзарали дарахтлар, арча ва бошқа турли-туман гуллар экилганлиги;
- кўп қаватли уйда яшовчи аҳолининг жамоат мулкини (экилган, экинлар, болалар майдончасига ўрнатилган жиҳозлар ва бошқаларни) кўз қорачиғидек асраш маданияти;
- чиқиндилар учун махсус майдончаларнинг мавжудлиги (жумладан, контейнерлар билан жиҳозланганлиги), майдончалар ва контейнерларнинг сони;
- ҳашар йўли билан уй атрофидаги майдонларда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишларининг йўлга қўйилганлиги;
- уй ёнида автомашиналар тўхташ жойлари ва бошқа ноқонуний қурилишларнинг мавжуд эмаслиги;
- чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш бўйича махсус санитария тозалаш автокорхоналари билан шартномаларнинг мавжудлиги, унинг ишлаш тартиби;
- кўп қаватли уй атрофида белгиланмаган жойларда маиший чиқиндиларнинг тўпланиш ҳоллари ва уларнинг ёқилиши;
- хазонларни тўплаш ва махсус тайёрланган чуқурларда компостлаш;
- аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб қилган ҳолда экология ва саломатлик кунларини ташкил этиш;
- спорт майдончаларининг мавжудлиги.

КЎРИК-ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Кўрик-танлов ***2005 йилдан бошлаб*** ҳар йили 3 босқичда ўтказилади ва ғолиблар:

- «Наврўз» умумхалқ байрами;
- 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни;
- Ўзбекистон Мустақиллиги куни арафасида эълон қилинади ва тақдирланадилар.

Туман босқичида ғолиб бўлган номзодлар шаҳар босқичида иштирок этадилар.

ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАГА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР:

1. Кўрик-танлов шартлари асосида тайёрланган батафсил маълумотнома.
2. Танловга тақдим этилаётган номзодларнинг фаолиятини акс эттирувчи фотоальбом ва видеокассета.
3. Республика «Маҳалла» жамғармаси ва «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг туман бўлим ва филиаллари томонидан тасдиқланган тавсиянома.

КЎРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ

Кўрик-танлов ғолиблари таъсисчилар, ҳомийлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланадилар.

2005 йил — Сиҳат-саломатлик йили

ДИЁНАТ ДАРДДАН АСРАЙДИ

Инсоннинг маънавий баркамол, жисмонан бақувват, мухтасар айтганда, комил шахс бўлиб вояга етишида оиладаги соғлом муҳит муҳим ўрин тутишини бугун ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Оилани тўғри ташкил қилиш, жинсий муносабатлар масаласи — бу келгуси шажарамизнинг умрбоқийлигини таъминлайдиган асосий омилдир. Бу соҳадаги муҳим талаб ҳар томонлама мос жуфт танлаш, шахсий гигиена, ўзаро ишонч, ҳурмат, садоқат, соғлом оилавий муносабатларни ўз ичига олади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, дунёда инсон ҳаётига хавф солаётган хасталикларнинг 27 тури жинсий алоқа орқали юқади. Орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) хасталиги «аср вабо»сига айланиб бўлди. Бугунги кунда дунёда 23 миллион одам унинг инфекциясини юқтирувчига айланган.

Ер юзида йилига бу хасталик 1,5 миллион одамнинг умрига зомин бўляпти. Ушбу эпидемия ҳар куни 8500 кишига юқяпти, минг афсуски, унинг тарқалиши пасаймаяпти. Ҳар куни 24 ёшгача бўлган 6000 нафар ёш бу хасталикка чалиняпти, кунига 1600 нафар бола ҳаётдан кўз юмяпти. Энг ташвишланарли ҳолат, дунёдаги хасталанган 41.855 000 нафар одамнинг 10 фоизини 18 ёшга тўлмаган ёшлар ташкил этади. Шу касаллик оқибатида 14.000.000 бола ота-онасидан айрилиб, етим бўлиб қолганлигининг ўзиёқ бугун инсонларни ҳаётга зийрак нигоҳ билан қарашга, мушоҳада юритишга мажбур этади.

Аср вабоси деб айтилаётган бу хасталик, миллат, макон, ирқ, мазҳаб танламайди. У инсониятнинг ёстиғини қуритишда давом этяпти. Шундай экан, ҳеч бир мамлакат аҳолиси «биз бундан холимиз» дея ҳотиржам бўла олмайди. Бу борада республикамиз Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари ичида энг паст кўрсаткичга эга бўлди, бу касалликка чалинганларнинг мавжудлиги ҳар биримиздан ўта ҳушёрликни талаб этади. Зотан, ҳудудимиз аҳолиси орасида сўзак, заҳм, трихомониаз, хламудиоз каби жинсий ва бошқа йўллар билан юқадиган касалликлар учраб турибди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу хасталик бемор организмида ОИТС касаллиги учун «дарча» очилганлигидан, яъни инсон организмида бедаво дардга чалиниш эҳтимоли ортганлигидан дарак беради.

Дерматология ва тери-таносил касалликлари илмий-текшириш институтининг жинсий алоқа орқали юқувчи касалликлар бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Комилжон ЙЎЛДОШЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг аниқлашича, ҳозирги пайтда жинсий алоқа йўли билан юқадиган касалликларнинг сони 27 тага етган бўлса, булар жумласига гепатитнинг А, В, С, Д, Е турлари ва шунингдек, одамлардаги орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллиги ҳам киради. Тўғри, бу касалликларнинг ҳамма турлариям бизнинг ҳудудимизда учрамайди. Бизда жинсий алоқа орқали юқадиган касаллик турларидан заҳм, сўзак, трихомониаз, ҳозирги пайтда хасталикнинг янги авлоди хламидиоз, уреаплазмоз, урогентал кандидоз, герпес, ўткир учли кандиломалар пайдо бўлди. Айниқса, аҳоли орасида заҳм, сўзак, трихомониаз кўп тарқалган.

Бугунги кунда ер юзи аҳолиси бу касалликлардан кўп азият чекяпти. Айниқса, аср вабоси — ОИТС дунёнинг исталган бурчагида бор. Агар фактларга мурожаат қиладиган бўлсак, дунё бўйича бу касалликка чалинганларнинг 29.950.000 нафари, яъни 71,56 фоизи Африка қитъаси аҳолисига тўғри келади. Энг хавфли томони шундаки, касаллик вирусини ташувчи инсоннинг ўзи. Жаҳон бўйлаб миграцияланиш жараёни давом этар экан, демак, хасталик ҳам қитъалараро «айланиб», урчиб кетаверади. Бирорта мамлакат ўзини бу хавфдан муҳофазалаши жуда қийин. Афсуски, Ўзбекистонда ҳам 3213 нафар (2003 йилги маълумотга кўра) бемор борлиги қайд қилинган. Улардан 2648 нафари эркаклар, 565 нафари аёллар, минг афсуски, 15 ёшгача бўлган 10 нафар бола ҳам хасталикка чалинган.

Айниқса, бизнинг ҳудудда аҳоли заҳм билан кўпроқ оғрийди, яъни 4690 та (2004 йилги кўрсаткич), сўзак — 6464, трихомониаз — 22315 нафар беморда қайд этилган, яъни 60 минг 477 нафар аҳоли турли хил юқумли вирусларни юқтириб олган.

— Айтинг-чи, ҳудудимизнинг қайси вилоятларида касаллик кўп учраяпти? Ва нима сабабдан?

— Кўрсаткичлар ҳар хил, мана, 2004 йилда аввалги йилга нисбатан заҳм, сўзак, трихомониаз бироз камайган бўлса, юқумли вирусларнинг герпес, хламидиоз каби янги авлоди ўсиб боряпти. Маълумотларга кўра, Жиззах, Навоий, Самарқанд вилоятларида нисбатан кўрсаткич юқори.

Мутахассис сифатида шуни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардимки, одамлар ўз саломатликларига масъуллик ҳиссини сезмайдилар. Ҳатто ўзларида жинсий алоқа орқали юқадиган касаллик белгиларини сезса ҳам зудлик билан мутахассис шифокор ҳузурига бормайдилар, аҳволи оғирлашгандан кейингина бунга мажбур бўлади. 2004 йилда заҳмга чалинганларнинг 86,3 фоизи хасталикнинг хуружи кучайиб кетган ҳолатда шифокорга мурожаат қилган. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида баъзи беморлар ҳатто иккинчи марта шу дардга чалинган. Афсуски, хасталикнинг асорати оғир кечишини ҳамма ҳам билмайди.

Яна бир мулоҳазани айтсам. Беморнинг мутахассисга келиб даволаниши, касаллик тузалди дегани эмас, бу муаммонинг бир қисми, калаванинг учи — «касаллик манбаи»ни аниқлаш ва даволашдир. Вилоятлардаги дерматология, тери-таносил касалликлари диспансерлари фаолиятини янада яхшилаш зарур. Масалан, Сурхондарё, Навоий, Сирдарё вилоятларида сусткашлик сезиляпти.

Шуни таъкидлаш керакки, қўшни давлатларга нисбатан республикамизда жинсий йўл билан юқувчи касалликлар кўрсаткичи сезиларли даражада паст. Лекин бу хотиржамликка асос бўлолмайди. Мутахассисларимиз сўнгги эпидемиологик ҳолатни кузатиш натижасига кўра, бизда асосан халқ орасида тиббий савиянинг пастлиги, аҳоли орасида миграцияланиш жараёнининг кучайиши таносил касалликларининг ошишига олиб келяпти. Яна бир томони — касаллик тарқатувчиларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш муаммоси тўла-тўкис ҳал этилгани йўқ.

— Бундай кўнгилсиз ҳолатдан ўзимизни, оила аъзоларимиз, айниқса, фарзандларимизни қандай муҳофаза қилишимиз керак?

— Одамлар, аввало, шуни унутмасликлари керакки, инсон ўзи, оила аъзоларини вақти-вақти билан диспансер кўригидан ўтказиб туриши касалликдан ҳимояланишнинг энг қулай йўлидир. Қўни-қўшни, яқинларини ҳам шунга даъват этиш билан «касаллик тарқатувчи манба»ни аниқлашга кўмаклашган бўламиз.

Кези келди, айтиб ўтайин, бу касалликлар аёлларда кўпроқ учрайди. Айниқса, трихомониаз аёллар орасида кенг тарқалади. Чунки трихомониаз вагиализм касаллик тарқатувчиси асосан уларнинг организмида ривожланади, аммо кўп ҳолларда аёллар ўзлари сезмай, сурункали, асоратли ҳолатга тушиб қоладилар. Ва касаллик вирусини тарқатувчи омилга айланадилар. Бу билан нима демоқчиман? Аёлларимиз тез-тез гинеколог, дерматолог мутахассис кўригидан ўтиб туришлари шарт.

— Касаллик қандай асоратларга олиб келади?

— Бу касалликлар сурункали яллиғланиш билан кечадиган оғир асоратларга олиб келади. Ёшларни эса асосан бепуштликка, айниқса, йигитларни жинсий заифликка, мижоз сустлигига дучор қилади, аёлларни оналик бахтидан маҳрум этади. Агар аёл киши заҳм билан касалланиб, ҳомилали бўлиб қолса, оқибати ёмон. Маълумки, тўрт ярим ойдан кейин она билан бола ўртасида қон айланиш жараёни бошланади. Қонда микроб айланиб, болага ўтади, натижада аҳлан заиф, чала, ногирон бола дунёга келади.

Кўриниб турибдики, жинсий алоқа орқали юқадиган касалликлар мақсадли даволанишни талаб қилади. Иш тажрибамда шундай воқеанинг гувоҳи бўлганман. Узоқ қишлоқдан қабулимга ёшгина йигит фекциясини юқтирувчига айланган.

Ер юзида йилига бу хасталик 1,5 миллион одамнинг умрига зомин бўляпти. Ушбу эпидемия ҳар куни 8500 кишига юқяпти, минг афсуски, унинг тарқалиши пасаймаяпти. Ҳар куни 24 ёшгача бўлган 6000 нафар ёш бу хасталикка чалиняпти, кунига 1600 нафар бола ҳаётдан кўз юмяпти. Энг ташвишланарли ҳолат, дунёдаги хасталанган 41.855 000 нафар одамнинг 10 фоизини 18 ёшга тўлмаган ёшлар ташкил этади. Шу касаллик оқибатида 14.000.000 бола ота-онасидан айрилиб, етим бўлиб қолганлигининг ўзиёқ бугун инсонларни ҳаётга зийрак нигоҳ билан қарашга, мушоҳада юритишга мажбур этади.

Аср вабоси деб айтилаётган бу хасталик, миллат, макон, ирқ, мазҳаб танламайди. У инсониятнинг ёстиғини қуритишда давом этяпти. Шундай экан, ҳеч бир мамлакат аҳолиси «биз бундан холимиз» дея ҳотиржам бўла олмайди. Бу борада республикамиз Марказий Осиё, МДҲ мамлакатлари ичида энг паст кўрсаткичга эга бўлди, бу касалликка чалинганларнинг мавжудлиги ҳар биримиздан ўта ҳушёрликни талаб этади. Зотан, ҳудудимиз аҳолиси орасида сўзак, заҳм, трихомониаз, хламудиоз каби жинсий ва бошқа йўллар билан юқадиган касалликлар учраб турибди.

Мутахассисларнинг фикрича, бу хасталик бемор организмида ОИТС касаллиги учун «дарча» очилганлигидан, яъни инсон организмида бедаво дардга чалиниш эҳтимоли ортганлигидан дарак беради.

Дерматология ва тери-таносил касалликлари илмий-текшириш институтининг жинсий алоқа орқали юқувчи касалликлар бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари доктори, профессор Комилжон ЙЎЛДОШЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Мутахассис сифатида, «100 фоиз даволайман» деб беморларни мақсадсиз муолажа қилаётган ва уларни ногиронлик сари етаклаётган сохта андрологлардан аҳоли эҳтиёт бўлишларини маслаҳат берардим.

Тиббиёт бозор эмас, бу инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, келажак авлодининг тақдири хусусида қайғуриладиган муқаддас — шифо маскани.

Мавриди келди, яна бир долзарб мавзу — ўсмирлар орасида жинсий тарбия ҳақида фикрлашмоқчиман.

Ўсмир йигит-қизлар бўлажак ота-оналардир. Сир эмас, йилдан-йилга касаллик «яшариб» боряпти. Ҳозирги пайтда, жинсий алоқа орқали юқадиган касалликларни ўсмирларда тарқалиш ҳолатига қарасак, 14 ёшгача бўлган ёшлар орасида қиз болалар кўпроқ хасталангани, 15-20 ёшда ҳам асосан қизлар шу касаллик билан оғриганига гувоҳ бўламиз. Бу нима дегани? Бу қизларимизда эрта жинсий алоқа бошланаётганидан дарак беради. Бу нохуш ҳодиса ўсмирлар орасида жинсий тарбия масаласига эътиборни кам қаратаётганимиз оқибатидир.

Тадқиқотларимиз шуни кўрсатяптики, бемор хотин-қизларнинг 60 фоиздан кўпроғини ҳеч қаерда ишламайдиганлар ташкил этади. Умуман, касалланганларнинг 66 фоизи аёллардан иборат. Яширишнинг ҳожати йўқ, сўнгги пайтларда фоҳишабозлик иллати илдиз ота бошлаяпти. Ёшлар, ҳатто оилали аёлларимиз ҳам пала-партиш жинсий алоқа орқали касалликка йўлиқишяпти. Бу ҳолатнинг яна бир ташвишли томони шуки, жинсий мойиллик эрта уйғонган болалар кўпинча улар балоғатга етгач, жинсий заифлик муаммоси пайдо бўлмоқда. Ота-оналар эса бу масалага жуда лоқайдлик билан қарайдилар.

Баъзида «бу бизнинг менталитетимизга тўғри келмайди», «ота-она билан боланинг ўртасида ҳаё пардаси бўлиши керак» қабилидаги гапсўзларни эшитамиз. Бу нотўғри фикр. Шарқона тарбияда ҳам фарзандни жисмонан ва маънан баркамол инсон сифатида вояга етиказиш ота-онанинг вазифаси эканлиги қайта-қайта таъкидланади.

Ота-она фарзандининг энг яқин сирдоши, маслаҳатгўйи бўлиши керак. Улар фарзанди онгида жинсий тарбия, ҳаётий кўникмалар хусусида тўғри тасаввур уйғотишлари, тиббий савиясини шакллантиришлари лозим. Айниқса, ёшларни тунги соатларда ҳар хил фаҳш фильмларни кўришдан, беҳаё сурат, китоб ва журналларни томоша қилишдан, ўқишдан асраш лозим.

Шу ўринда бизни қийнаётган экологик хатар ҳақида ҳам гапирмоқчиман. Ҳозир атмосферада озон туйнуги ҳосил бўлгани боис, қуёшдан келаётган радиация 3-3,5 баравларга ошди, ўйлаб кўринг, 0,5-рентген нури сперматозоидларни 4 ойга ҳаракатсизлантириб қўяди. Демак, радиация нурлари ҳам эркак организмига салбий таъсир қиляпти, жинсий заифликни кучайтиряпти.

Таклифим, ўсмирлар орасида жинсий тарбияни кучайтириш учун мактабларда қизлар ва йигитларга алоҳида тарзда мутахассис шифокор машғулотлар олиб бориши керак. Ҳозирги кунда, очиғи, мактабларда бу масала иккинчи даражага тушиб қолган. Ёш авлоднинг сиҳат-саломатлиги йўлида иккинчи даражали масаланинг ўзи бўлмаслиги керак. Ёшлар орасида бу касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари, асорати, шахсий гигиена ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш зарур.

— Мутахассис сифатида, Сизни яна қайси муаммолар ўйлантиради?

— Мени аҳоли орасида ўз саломатлигига жавобгарлик ҳисси камлиги ташвишга солади. Кўпчилик юқумли касалликлар ҳақида жуда оз тасаввурга эга. Жинсий алоқа воситасида юқадиган касалликлар, аслида, бедаво эмас, фақат бемор ўз вақтида мутахассис шифокорга мурожаат этса, мақсадли муолажа олса, дарддан фориғ бўлади.

Касалликдан сақланишнинг энг мақбул йўли шуки, ҳар бир инсон, эр-хотин ўз оиласига диёнатли бўлиши, ҳалол яшашга интилиши, соғлом турмуш тарзига эришиши лозим.

Пала-партиш жинсий ҳаётдан ҳар бир одам ўзини тийиши зарур. Халқда топиб айтилган мақол бор: «Бирники — мингга, мингники — туманга». Зеро, масъулиятни унутган ота-оналарнинг касрига ногирон бўлиб дунёга келаётган гўдаклар қоляпти. Уларнинг гуноҳи нима? Буни асло унутишга ҳаққимиз йўқ.

Оила муқаддас, саломатлик эса энг олий неъматдир. Диёнат одамни дарддан асрайди.

Суҳбатдош:
Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Шарҳ

ТЕКСТИЛ БОЗОРИДАГИ ТОРТИШУВЛАР

Дунё матбуоти ва бошқа оммавий ахборот воситалари Хитой, Европа Иттифоқи ва АҚШ ўртасида вужудга келган баҳс-мунозаралару тортишувларни кенгроқ ёритишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Гап шундаки, Хитой ўзининг текстил маҳсулотларини дунё бозорига кенг миқёсда олиб чиқолмаётган эди. Негаки, 30 йилдан бери квота тизими амалда эди. Бу йил январдан эътиборан эса Жаҳон савдо ташкилоти бу квотани бекор қилди. Орадан мана 5 ой ўтди. Шу қисқа муддат ичида Хитойнинг арзон текстил маҳсулотлари дунё бозорини эгаллаб олиши Европа ва АҚШда кўпгина кўнгилсизликларни келтириб чиқармоқда. Уларнинг ўз маҳсулотлари бозори касодга учраш арафасида турибди. Жумладан, АҚШ текстил саноати йил бошидан бери 16 минг ишчи ўрнини қисқартиришга мажбур бўлди. Шунинг учун ҳам эндиликда АҚШ ва Европа Иттифоқи Хитой экспортини иложи борича тезроқ қисқартиришга ёки умуман тўхтатиб қўйишга жон-жаҳди билан курашмоқда. Керак бўлса санкция жорий этиш масаласи ҳам уларнинг назаридан четда қолаётгани йўқ.

Маълумки, 27 май куни Европа Иттифоқи Жаҳон савдо ташкилотига расмий мурожаат этиб, Хитой футболкалари ва зиғирпоя толасидан йигирилган ипларни Европа бозорига экспорт қилинишига чеклов жорий этишни сўраган. Бу ҳақда Россиянинг «Ведомости» газетаси хабар тарқатди.

АҚШ сенати эса яна бир неча ойдан сўнг Хитойнинг АҚШ бозорларига текстил маҳсулотлари экспорти учун 27,5 фоизлик бож тўлови жорий этилишини назарда тутувчи қонун лойиҳасини овозга қўйишни мўлжаллаб турибди. Агар расмий Пекин ярим йил ичида ўзининг миллий валютасини долларга қаттиқ «боғлаб» қўйиш сиёсатидан воз кечмаса, бу ишни албатта амалга ошириши ҳақида огоҳлантирмоқда. Америкалик сиёсатдонларнинг тахмин қилишларича, Хитой юани курси сунъий равишда камайтирилган ва бу ўз ўрнида Хитой маҳсулотлари экспорти арзонроқ бўлишини таъминлаяпти.

Манбаларда қайд этилишича, йил бошидан бери Хитойнинг айрим кийим турлари экспорти 500 фоиздан ҳам ошиб кетган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 4 ойда Хитой футболкаларининг Европа бозорига экспорти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 187 фоиздан ҳам юқори даражага кўтарилган зиғирпоя толасидан йигирилган ип-калавалар экспорти эса 56 фоизга ўсган. Расмий Пекин яна 74 хил текстил маҳсулотлари экспортини 5 бараварга оширишни мўлжаллаб турибди. Европа Иттифоқи эса аксинча, 79 хил маҳсулот экспорти бекор қилинишини сўраб Жаҳон савдо ташкилотига мурожаат этди. 25 мамлакатни ўзига бирлаштирган бу ташкилот ушбу ўсиш нафақат Европа ишлаб чиқаришига, балки унинг Африка мамлакатларидаги ҳамроҳлари фаолиятига ҳам салбий таъсир этади, дея ҳисобламоқда. Вазиятнинг бу даражага етиши Хитой маъмуриятининг чет эл бозорларида молни атайин арзон сотиш сиёсатини юритаётганлигидан гувоҳлик бериб турибди, дейишмоқда ЕИ мутахассислари. Маълумки, Хитойда бир ҳафтада 60 соатлик иш куни амалда қўлланиб келинмоқда, ишчилар меҳнати учун 1 соатга 45 евроцентлик ҳақ тўланади. Бу эса Хитой ишлаб чиқариши ҳар қандай бозорни тезда ишғол қилишига имконият яратади.

«Текстил маҳсулотлари савдо интеграциясига ҳисса қўшиш бизнинг халқаро ҳуқуқимиз. Негаки, Жаҳон савдо ташкилотига биз ҳам аъзо бўлиб кирганмиз. Европа Иттифоқининг экспортни қисқартириш ҳақидаги даъвоси Жаҳон савдо ташкилоти жорий этган қоидаларни бузишдан ўзга нарса эмас. Шунинг учун Пекин ўзининг қонуний ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилади. Биз экспортни қисқартирмоқчи эмасмиз» дея баёнот берди Хитой савдо вазири Бо Силай. Унинг айтишича, — дейилади АР ахборот агентлиги хабарида, — АҚШ ва Европа бозорида Хитой маҳсулотларининг тезкорлик билан кўпайишига уларнинг ўзлари айбдор. Чунки бозорни эркинлаштириш бўйича аввал эълон қилган ва зиммаларига олган мажбуриятларга ўзлари амал қилмадилар.

Шу ўринда бир эслатма: бундан бир ойлар муқаддам АҚШнинг собиқ давлат котиби Мадлен Олбрайт хоним Хитойда ишлаб чиқариш дунёвий миқёсда ўсиб бораётганини АҚШ маъмурияти тан олмаётгани, лекин барибир ўсиш суръати ўз салобати билан намоён бўлаётгани ҳақида Европада чиқиш қилган эди.

Қисқаси, Хитой, АҚШ ва Европа Иттифоқи ўртасидаги бозор муносабатлари билан боғлиқ бу тортишувлар нима билан тугаши ҳақида башорат қилишдан ҳозирча ҳолимиз. Унинг қандай якун топишини эса вақт кўрсатади.

Алимбек ТОШБЕК

Тергов ўтказмоқчи

Гаагадаги халқаро трибунал Судан шарқида жойлашган Дарфур музофотида амалга оширилган ҳарбий жиноятлар бўйича тергов ўтказишини маълум қилди.

БМТнинг махсус тергов гуруҳи Гаага трибуналига ҳарбий жиноятларни содир этганликда гумон қилинаётган 51 шахснинг рўйхатини топширган.

Маълумотларга кўра, Дарфурдаги икки йиллик зиддиятлар туфайли 180 минг одам ҳаётдан кўз юмган, 2 миллионга яқини турар-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди.

Икки томонлама алоқалар енгиллашади

Ўтказилган референдумда Швейцария фуқаролари Европа Иттифоқининг Шенген ва Дублин тизимларида қатнашишини ёқлаб овоз беришган. Сайловда иштирок этган аҳолининг 54,6 фоизи Швейцариянинг келишувларга қўшилишини маъқуллаб овоз берган.

Ҳозиргача Шенген келишувига ЕИнинг 13 аъзо мамлакати ва иттифоққа кирмаган Исландия ҳамда Норвегия қўшилганди.

Шенген тизимига қўшилиш ЕИ аъзоси бўлмаган Швейцарияга Европа электрон базасидан қидирувда бўлган шахсларни текшириб кўриш имконини беради ҳамда ҳуқуқни муҳофаза этувчи тизимлар орасидаги алоқаларни анча енгиллаштиради.

Шенген визасига эга бўлган шахсларга эса Швейцарияга келиш учун алоҳида виза олиш керак бўлмайди.

Бернинг Дублин келишувида иштироки эса Швейцария ҳукуматига сиёсий бошпана сўровчилар орасида жиноятчиларни ҳамда ЕИда қочқин статуси берилиши рад этилган шахсларни аниқлашга имкон яратилади.

Испанияда қурғоқчилик

Испанияда охирги 60 йил ичида рўй берган энг йирик қурғоқчилик натижасида сув харажати қисқартириладиган бўлди.

Сайёҳлик мавсуми бошланишига оз фурсат қолди, лекин бассейнлар бўшаб қолган, шаҳар фавворалари ўчирилган, далалар суғорилиши қисқартирилган.

Мамлакатда анчадан бери ёмғир ёғмагани туфайли сув ҳавзаларининг тўртдан уч қисми бўшаб қолган.

Сайловнинг иккинчи босқичи

Ливан жанубида сайловнинг навбатдаги тури бўлиб ўтди. Дастлабки маълумотларга кўра, унда Жанубий Ливан парламентидаги 23 жойни Сурия томонидан қўллаб-қувватланадиган «Хезболлоҳ» ва «Амал» партиялари ҳамда уларнинг тарафдорлари эгаллаган.

Сайловда 45 фоиз сайловчи қатнашди. Бу аввалги якшанба куни Байрутда бўлиб ўтган сайловда қатнашган аҳоли сонидан анча кўпдир. Байрутда бўлиб ўтган сайловда парламентдаги 19 жойни Сурияга қарши бўлган номзодлар эгаллади.

Частная фирма «BAHRINISO ONA» намерено приобрести 100000 шт. простых безналичных акций ОАО «SHARGUNKO'MIR» расположенного по адресу: Сурхандарынская область, Шаргунь, Сарыасийский район, ул.А.Икромова-50.
Пакет акций составляет 21,57% от Уставного фонда эмитента.

БОЛА КУЛСА ОЛАМ ЯШНАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан «Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида бир қанча хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга куни кеча партиянинг Тошкент шаҳар ҳамда Акмал Икромов туман кенгашлари пойтахтимиздаги болалар силига қарши сиҳатгоҳида ўтказган хайрия тадбири мисол бўла олади.

Кечада сиҳатгоҳда даволанаётган болаларга дастурхон ёзилиб, совға-саломлар улашилди. Тарбияланувчи болалар томонидан намойиш этилган концерт дастури даврага ўзгача завқ бағишлади. Шундан сўнг «Қувноқ стартлар» спорт мусобақаси уюштирилиб, ғолиблар тақдирланди.

— Сиҳатгоҳимизда силга чалинган ва ушбу касалликка мойил 3 ёшдан 14 ёшгача бўлган 150 нафар бола даволанади, — дейди бош шифокор Шарофат Раҳимова. — Бугунги тадбир болажонлар кўнглини кўтариб юборди. Жамоамизнинг партия билан алоқаси яхши йўлга қўйилган. Қирққа яқин ходимимиз ХДП аъзоси, сиҳатгоҳимизда эса бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатади.

Маъмуржон МАҲМУД,
«Ўзбекистон овози» мухбири

МАШРАБ БОҒИ ОБОД БЎЛАДИ

Ўзбекистон Бадиий академияси махсус жамғармасининг Наманган вилоят бўлими уста-мутахассислари томонидан Машраб номли маданият ва истироҳат боғида амалга оширилган таъмирлаш ишларидан сўнг боғнинг миллий меъморчиликка оид қиёфаси янада гўзаллашди.

— Ҳозирга қадар 15 миллион сўмлик таъмир ва безак ишларини бажардик, — дейди жамғарма иш юритувчиси Иброҳим Жўраев. — Бош рассом Равшанбек Йўлдошев, рассом Неъмат Акбаров, безакчи усталар Раҳим Жабборов, Латифбой Акбаров, Ёқубжон Абдуллаевлар иш сифатини таъминлашда барчага намуна бўлмоқда. Айни пайтда рассомларимиз янги лойиҳа устида иш олиб боришмоқда. Лойиҳа тасдиқланиши билан асосий йўл ёқасидаги кириш йўлаги теваракси ҳам бутунлай янгича, бир-бирига уйғун манзара касб этади.

— Боғни ободонлаштириш билан бирга вилоятимиз мутасаддилари шоирнинг музейига ҳам катта эътибор беришмоқда, — дейди Машраб номидаги музей директори Эргашбой Охунов. — Боғнинг ишбилармон-тадбиркорларга берилган ҳудудида ҳам катта ҳажмда ободончилик ишлари амалга оширилди.

Демак, истиқлол туфайли нафақат шоир қадри юксалмоқда, балки унинг номидаги боғ ҳам бетакрор кўриниш касб этади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Тошкент Молия институтида кўпгина хорижий давлатлар ва МДҲ мамлакатлари таълим муассасалари билан алоқалар ўрнатилган. Улар ичида Россия Федерацияси олий ўқув юртлари, хусусан, Санкт-Петербург Давлат иқтисодиёт ва молия университети билан кадрлар айирбошлаш, ўқув ва услубий адабиётлар яратиш ҳамда илмий-амалий анжуманлар ўтказиш бўйича ўрнатилган икки томонлама ҳамкорлик алоҳида аҳамиятга молик.

Жумладан, ушбу ўқув даргоҳида бир неча кун давом этган: «Ўтиш иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий муаммолари» мавзуидаги илмий конференцияни ҳам амалдаги мавжуд алоқаларнинг биргина исботи, дейиш мумкин.

Унда ўтиш иқтисодиётидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг умумий жиҳатлари, ўзига хос хусусиятлари, бозор иқтисодиётига ўтиш тажрибалари икки олий ўқув даргоҳининг етакчи профессор ўқитувчилари иштирокида муҳокама этилди.

Шу билан бирга, ўтиш иқтисодиёти шароитида иқтисодий фанларнинг ҳолати, шаклланиши ва ривожланиши, иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ўта муҳим омил эканлигига эътибор қаратилди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Спорт



ЖАҲОН САМБО ЮЛДУЗЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида самбо бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида навбатдаги Осиё очиқ чемпионати бўлиб ўтди. Унда Россия, АҚШ, Латвия, Мўғулистон, Қозоғистон, Эстония, Болгария сингари ўн бешдан ортиқ мамлакатдан ташриф буюрган тўрт юз нафарга яқин самбочи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Эркаклар ўртасида ўтган муросасиз ва кескин беллашувларда ғолиб ҳамда совриндорлар тўққиз вазн тоифасида аниқланди. Мусобақа якунида маҳоратли спортчиларимиз Шавкат Жўраев (52 кг.), Акром Эшов (74 кг.), Элдор Ғуломов (100 кг.), Ҳусан Хасанов (+100 кг.)лар олтин, Лочин Тошалиев (57 кг.) ҳамда Акобир Қурбонов(82 кг.)лар кумуш медалга сазовор бўлиб, ўз мухлисларини хушнуд этишди.

— Ўсмирлар ва ёшлар ўртасида уюштирилган баҳслар ҳам мутахассислар диққат марказида бўлди, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Равшан Аҳмаджонов. — Беллашувлар якуни шуни кўрсатдики, кейинги йилларда мамлакатимизда иқтидорли самбочиларни тарбиялашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Севара Давронова (40 кг.), Гулзира Каримова (48 кг.), Дилафрўз Иброҳимова (52 кг.), Шаҳло Турсунова (75 кг.), Илҳом Раупов (48 кг.), Қобил Қодиров (82 кг.) каби бир қатор умидли йигит-қизларимиз шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олганлиги юртимизда самбони ривожлантиришга катта эътибор берилаётганлигининг самарасидир.

Қувонарлиси, Осиё очиқ чемпионати доирасида жаҳон самбо юлдузлари ўртасида ҳам беллашувлар уюштирилди. Ўзига хос фестиваль номини олган мазкур баҳсларда бир қатор қитъа, жаҳон чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари гиламга чиқдилар. Унда вакилларимиздан Шавкат Жўраев (52 кг.), Дамир Муҳидов (68 кг.) ҳамда Дилором Қамбарова (80 кг.)лар бош совринни қўлга киритишди.

Эркин ХОЛБОБО
Суратда: мусобақадан лавҳа.

РАУЛЬ «ЛИВЕРПУЛЬ»ГА ЎТАРМИКАН?

Чемпионлар лигаси учун курашда ғолиб чиққан Англиянинг «Ливерпуль» клуби жамоа таркибини мустаҳкамлашга уринмоқда. Хусусан, Испаниянинг «Реал» клуби ҳужумчиси Рауль учун 15 миллион фунт стерлинг ҳақ тўлаш ҳақида таклифлар киритилмоқда. Раулнинг ўзи эса «Реал»да шу кунгача 11 мавсум ўтказгани ва энди бошқа клубга ўтмоқчи эканини яширмаяпти. «Узоқ йиллар қадрдон клубда тўп суришга тўғри келди. Фойдам тегса, ҳозир ҳам хизматимни аямайман. Тақдир тақозоси билан бошқа жамоаларда ўйнаш насиб этса, бундай таклифни ҳам рад этиб бўлмайди», — дейди 27 ёшли ҳужумчи.

ЦЗЮНИНГ ЖАРОҲАТИ ЖИДДИЙ

Мухлислар орзиқиб кутган бокс жанги ҳам бўлиб ўтди. Биринчи ярим ўрта вазн тоифаси бўйича собиқ жаҳон чемпиони Константин Цзю Рикки Хаттон билан рингга кўтарилди. Ташаббус ва фаолликни маҳкам тутган Цзю қандай бўлмасин, рақибини нокаутга учратиш учун бор куч ва маҳоратини ишга солди. Лекин Хаттон жангни гўёки ярим кураш тарзида ўтказмоқчи бўлдими, оралиқ масофани унутиб, шеригини қучоқлаганча зарб беришга ҳаракат қилаверди. Бундай ҳолат 11 раундгача давом этди. Боксчиларнинг иккаласи ҳам толиққани сезилиб турарди. Шунда учрашувни бошқараётган ҳакам Жонни Льюис ўйинни тўхтатди. Хаттоннинг қўли кўтарилди.

— Тўғриси, Цзю жангни давом эттириши мумкин эди, — дейди унинг иш юритувчиси Влад Уортон, — аммо ҳакамнинг бундай қарорга келганини ҳам маъқуллаш керак. Боиси, жанг тугаши биланоқ матбуот йиғилишига ҳам қолмай, Цзюни касалхонага жўнатишга тўғри келди. Афтидан унинг жаҳи синганга ўхшайди.

Янги китоб

«ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОИЙ СИЁСАТ ЭВОЛЮЦИЯСИ»



Тарихдан маълумки, халқ фаровонлигига фақат мамлакат мустақилликка эришгандан сўнггина чин маънода эътибор бўлади. Истиқлолнинг дастлабки йилларида танланган демократик жамият тузиш йўлидаги беш тамойилдан бири кучли ижтимоий сиёсатга қаратилгани бежиз эмас.

Ўзбекистонда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатни янада чуқурроқ англаш учун тарихга назар солиб, ижтимоий сиёсатнинг вужудга келиши, ривожланиши йўлларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Самарқанд давлат чет тиллари институти нашриёт-матбаа марказида чоп этилган «Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат эволюцияси» китобининг эътиборли томони ҳам шунда. Фарҳод Набиев қаламига мансуб мазкур асар миллий истиқлол ғояси руҳида ёзилган бўлиб, Ўзбекистон танлаган йўл ва Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тамойиллар нақадар тўғри эканлигини тарихий нуқтаи назардан кўрсатиб берган.

Ижтимоий сиёсат тарихини билиш фақат илмий изланиш учун эмас, балки халқ хўжалигининг барча тармоғида зарурдир. Чунки ижтимоий масалалар ҳар бир кишини ҳаётий қизиқишлари, эҳтиёжлари билан чамбарчас боғлиқдир. Бу масалалар кундалик ҳаётда, меҳнат жамоаларида, дўстлар орасида, оила атрофида доимо муҳокама қилинади.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш даражасига қараб жамиятнинг умумий ривожланишига баҳо бериш мумкин. Жамиятнинг ривожланиш даражаси қанчалик баланд бўлса, аҳолининг ижтимоий ҳимояси шунчалик юқори бўлади. Шунинг учун ижтимоий сиёсат тарихини нафақат тарихчилар, балки ҳамма гуманитар, ҳатто табиий фанлар факультетлари талабалари ҳам ўрганиши лозим.

«Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат эволюцияси» ана шу талабни қондириш йўлида биринчи қадам бўлди. Кейинчалик бу курсни кенгайтириб, ўқув курси даражасига кўтариш мақсадга мувофиқдир.

Карим САИДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Частная фирма «ZARAFSHON-BARAKAT» намерено приобрести 93055 шт. простых безналичных акций ОАО «SHARGUNKOMIR» расположенного по адресу: Сурхандарынская область, Шаргунь, Сарыасийский район, ул.А.Икромова-50.

Пакет акций составляет 20,0% от Уставного фонда эмитента.

БЕКОБОД ТЕХНИКА-ИҚТИСОДИЁТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

2005-2006 ўқув йили учун қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилади.

1. Прокат ишлаб чиқариш, қора ва рангли металларга ишлов бериш;
2. Автомобилларга ва двигателларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш.
3. Механик ишлов бериш станоклари ва ускуналарига техникавий хизмат кўрсатиш.
4. Молия.
5. Кимёвий боғланиш сифатини аналитик назорат қилиш.
6. Бухгалтерлик иши.
7. Банк иши.
Ўқиш муддати уч йил.

Шунингдек, 11-синф ҳажмида коллежнинг кундузги ва сиртқи бўлимларига шартнома асосида қуйидаги мутахассисликларга ўқувчилар қабул қилади:

1. Молия (сиртқи);
2. Саноат корхоналари ва фуқаро бинолари электр ускуналарини ўрнатиш ва улардан фойдаланиш (кундузги, сиртқи).
3. Автомобиль ва двигателларни таъмирлаш ҳамда уларга техник хизмат кўрсатиш (сиртқи).
4. Муҳосиблик ҳисоби, хўжалик фаолияти назорати ва таҳлили (сиртқи).
5. Ҳуқуқшунослик (сиртқи).
6. Банк иши (сиртқи).
7. Металларга босим остида ишлов бериш (сиртқи).



Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
1. Ариза.
2. Таянч маълумоти ҳақида гувоҳнома (асли).
3. 086/у шаклидаги тиббий маълумотнома.
4. 6 дона 3х4 ўлчамдаги фотосурат.
5. Паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома.
6. Яшаш жойидан маълумотнома.
7. Педагогик-психологик ташҳис марказидан тавсиянома.
Ҳужжатлар 31 июлгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари тест синови сифатида математика, она тили ва адабиёти фанларидан ўтказилади, ҳуқуқшунослик мутахассислиги учун математика ўрнига тарих фанидан синов бўлади.

Манзил: Бекобод шаҳар, Ғалаба кўчаси 2-уй.Тел: (8.291) 2-27-97, 2-28-02, 2-32-20. E-mail: bekobod tikhk@rambler.ru

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК раҳбарияти ҳамда тармоқ касаба уюшмаси МК Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Қутлимурот Собирович Собировга волидаи муҳтарамаси

Реймажон РАЖАБОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«ЎзБАТ АЖ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЮТЕРЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

«ЎзБАТ АЖ» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сигарета маҳсулотларини сотиш бўйича «ЎзБАТ АЖ» ҚК нинг эксклюзив дистрибютерлар танловини эълон қилади.

Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:

1. Ташкилий-ҳуқуқий шакли — юридик шахс.

2. Номзод компаниянинг рўйхатга олинган жойи ҳақиқий фаолияти манзилига тўғри келиши шарт.

3. Устав фондининг минимал миқдори — 47 010 000 сўм (яъни энг кам иш ҳақининг 6 000 баробарига тенг).

4. Минтақа доирасида ўзига тегишли ёки ижарадаги рўйхатга олинган ва назорат-касса машиналари билан жиҳозланган турғун чакана савдо шахобчалари сони: камида 5 та (Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида) ва камида 3 та (бошқа вилоятларда).

5. Минтақа чегарасида ўзига тегишли ёки ижарадаги ҳажми камида 10.000.000 дона сигареталар сақлашга етарли бўлган омбор бинолари мавжудлиги.

6. Тегишли банк ҳужжатлари билан тасдиқланган айланма капиталининг минимал миқдори — 20 000 000 сўм.

7. Қуйидаги ҳужжатларнинг асл нусхаси мавжудлиги:

- *Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақида гувоҳнома;*
- *Нотариал тарзда тасдиқланган Уставининг нусхаси;*
- *Улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома;*
- *Чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи гувоҳнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Тамаки маҳсулоти билан савдо қилиш ҳуқуқига доир махсус рухсат гувоҳномаси (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзодни рўйхатдан ўтказган ҳудуддаги давлат солиқ хизмати органларининг назорат-касса машинаси билан жиҳозланган турғун савдо шахобчаси мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома (ҳар бир савдо шахобчаси учун);*
- *Номзоднинг эгалигида — ижарасида омбор бинолари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;*
- *Номзод банк муассасасида тегишли талаб қилиб олингунгача махсус иккиламчи депозит ҳисоб рақами (махсус ҳисоб рақами) очганлигини тасдиқловчи ушбу ҳужжатнинг рақамлари кўрсатилган ҳолда номзодга банк томонидан берилган ҳужжат.*

Юқорида кўрсатиб ўтилган асосий талабларга қўшимча равишда, эксклюзив дистрибютерлардан «Сигарета маҳсулотларини «ЎзБАТ АЖ» ҚКси эксклюзив дистрибютерларига сотиш шартномаси»га мувофиқ бир қатор мажбуриятларни ўз зиммаларига олиб, уларни бажариш талаб қилинади. Бундай мажбуриятларнинг батафсил рўйхати номзодларга улар танловда иштирок этиш ҳақида ариза ҳамда юқорида кўрсатилган талабларга жавоб берадиган ҳужжатларни тақдим этганларидан сўнг берилади.

«ЎзБАТ АЖ» ҚКсининг эксклюзив дистрибютерлар рўйхатига киритиш танловида иштирок этмоқчи бўлган юридик шахслар 2005 йил 1 июль куни соат 18.00 гача «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг бош директори номига ***юқоридаги 7 бандда кўрсатилган ҳужжатларнинг нотариал тарзда тасдиқланган нусхалари*** *илова қилинган ва боғланиш маълумотлари кўрсатилган ҳолда тегишли аризани юборишлари шарт. Бундай ариза буюртма хат орқали ёхуд шахсан қуйидаги манзилга етказиб берилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77.*

Номзодлар аризаларини кўриб чиқиш, тақдим этилган маълумотлар ва номзодларнинг белгиланган талабларга муносиблигини текшириш «ЎзБАТ АЖ» ҚКси бош директори буйруғи билан тасдиқланган «Ишчи гуруҳи ва махсус комиссиясининг фаолияти ҳамда «ЎзБАТ АЖ» ҚКнинг эксклюзив дистрибютерларини танлаш мезонлари тўғрисидаги Низом»га мувофиқ махсус комиссияси томонидан амалга оширилади.

Барча саволларингиз билан ҳамда батафсилроқ маълумот олиш учун Жамшид Холмуродовга ёки ёзма равишда қуйидаги манзилга: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Носиров кўчаси, 77; ёки (+998 71) 120-53-39 рақамли факс ёки қуйидаги телефон рақамлари орқали мурожаат этишингиз мумкин:

- *(+998 71) 120-53-14*
- *(+998 71) 120-53-51,*
- *(+998 97) 156-35-12*

«ЎзБАТ АЖ» ҚК ДИРЕКЦИЯСИ

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 136-55-05
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 555

8908 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O`zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 21.50
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda